

# ИНСОН ВА ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ХУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ


e-mail: insonvaqonun@minjust.gov.uz | www.insonvaqonun.uz | www.insonvaqonun.adliya.gov.uz

**Адолат ҳар ишда  
ҳамроҳимиз ва  
дастуримиз  
бўлсин!**

2017 йил 18 июль • сешанба № 31 (1079)

**Акс-садо**

## Бегонага берадиган боламиз йўқ!



ЖОРИЙ йилнинг 15 июнь куни пойтахтимизда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раҳбарлари, дин арбоблари, "Нуруний" ва "Маҳалла" жамғармалари, Хотин-қизлар кўмитаси, ҳокимликлар, ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари, илм-фан ҳамда маданият намояндалари, исломий таълим муассасалари мутасаддилари ва талабалари, жамоатчилик вакиллари иштирок этган "Ижтимоий барқарорлиқни таъминлаш, муқаддас динимизнинг софлигини асраш — давр талаби" мавзусида анжуман бўлиб ўтди. Президентимиз Ш.Мирзиёевнинг тадбирда сўзлаган маърузаси бугун Ўзбекистон халқининг қалбидан чуқур жой олди. Зеро, давлатимиз раҳбари бугунги кунда нафақат юртимиз ахли, балки дунёдаги барча ҳур фикрли кишиларнинг дилдаги ўйлари, дунё ҳамжамиятини ташвишга солаётган долзарб муаммолар ҳақида сўз юритди. Айниқса, у кишининг дин арбоблари ва пешволарига қарата айтган даъватлари катта-кичикни бирдай тўлқинлантирди.

"Муҳтарам имом-хатибларимиз! Худо йўлида ҳолис хизмат қилишни ўз зиммаларига олганлар. Бу ҳам масъулият, ҳам улкан шараф. Шунинг учун соғлом эътиқод йўлини тарғиб қилишни аввало кимдан сўраймиз? Сиз, азизлардан сўраймиз. Шу борада барчамиз кимдан ибрат оламиз? Сиз, азизлардан. Шунинг учун ҳам сизларнинг катта билимингиз, обрў-эътиборингизни инобатга олиб, мен сизларга, барча дин аҳлига, жамоатчилигимизга мурожаат қилмоқчиман: юртимизда тинчликни, осойишталикни сақлашда бизга ёрдам беринг.

Агар маҳаллада бирорта бола зарарли диний оқимга кириб қолган бўлса, уни нотўғри йўлдан қайтаришга ҳаракат қилинг. Йўлдан адашган болани дарров душманга чиқармасдан, уни ўзимизнинг фарзандимиз, деб билишимиз керак. Унга бутун қалбимиз, юрагимиз билан ачинаётганимизни шу бола билсин. Зора, шунда уларнинг ҳам қалб кўзи очилса, тўғри йўлга қадам қўйса... Бугун қанча ёшлар сохта алдовларга учиб, ўз умрини ҳазон қилаётганини ўйлаб, тўғриси, тунлари ухласдан чиқаман. Ўзингиз ай-

(Давоми 2-бетда).

**Газета ёрдам берди**

### Уй-жой билан таъминланадиган бўлдим

МЕН шу йилнинг май ойида таҳририятингизга айрим давлат ташкилотлари томонидан оиламга нисбатан бўлаётган ноҳақликлар буйича шикоят-ариза ёзган эдим. Аризамнинг мазмуни куйидагича эди: менга тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Қамарнисо кўчаси, 1-уй, 32-хонадон бўзиладиган ва ўрнига бино-иншоот куриладиган бўлди. Бунинг эвазига бизга уй-жой ажратилиши ва компенсация тўлаши керак эди. Лекин менга ва бир фарзандимга (турмуш ўртоғим вафот этган) адолатли муносабат бўлмади. Шу сабабли мен газетангизга мурожаат қилишга мажбур бўлдим. Таҳририятингиз аралашуви ҳамда Тошкент шаҳар прокуратураси ходимларининг саъй-ҳаракатлари билан Тошкент шаҳар ҳокимияти зиммасига менга ва фарзандимга уй-жойларимиз бўзилиши эвазига қонунда белгиланган ижтимоий нормадан кам бўлмаган доирада уй-жой билан таъминлаш мажбурияти юклатилди.

Бунинг учун "Инсон ва қонун" газетасига адолат йўлида қилаётган эзгу ишлари учун, оддий халқнинг муаммоларини тинглаб, имкон қадар ёрдамни аямаганлиги учун ташаккур айтаман.

Ҳозирда Сароисёе тумани, Оқ йўл маҳалласи, 10-уй, 7-хонадонда вақтинча истикомат қилувчи фуқаро Н.ЧОРШАНБИЕВА

### Юридик хизматларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш ва методик таъминлаш бошқармаси



## ЮРИДИК ХИЗМАТ МИНБАРИ

— ЭШТИШИМЧА, йўловчилар ташиш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларни бошқариш учун ҳам ҳайдовчилик стажига эга бўлиш талаб этилар экан. Шу тўғрисида тўлиқроқ маълумот бериб ўтсангиз?

Р.Абдуллаев, Тошкент шаҳри

— ОЛИЙ таълим муассасаларига белгиланган қабул квоталаридан ташқари оширилган талабани қабул қилишда, тўрт йил давомда ҳам оширилган суммани тўлайдиларми?

Р.Юсупов, Бухоро вилояти

— Албатта, қонунчилигимизда такси ҳайдовчилари учун ҳам алоҳида талаблар мавжуд.

Хусусан, Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 18 майдаги 139-сон қарори билан тасдиқланган "Йўналишсиз таксилар учун ягона таниш белгилари ва уларнинг ишларини ташкил этишга қўйилган талаблар тўғрисида"ги Низомга кўра йўловчилар ташуш учун мўлжалланган йўналишсиз таксиларни бошқаришга ҳайдовчилик гувоҳномасида "В" рухсат белгиси бўлган, 21 ёшга тўлган, тиббий кўрикдан ўтган ва камида уч йиллик ҳайдовчи стажига эга бўлган шахслар қўйилади.

Йўналишсиз таксиларнинг ҳайдовчилари йўналишда ишлаётганда тегишли лицензия карточкасига ҳамда йўлга чиқишдан олдин автотранспорт воситасининг белгиланган тартибда техник кўриқдан ва ҳайдовчиларнинг тиббий кўриқдан ўтказилганлиги тўғрисида белгилар қўйилган йўл арақасига эга бўлиши керак.

Саволга Ўзбекистон автомобиль ва дарё транспорт агентлиги юридик хизмати бошлиги Шерзод УРИНОВ жавоб берди.

— Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорига кўра, тўплаган балл 2017/2018 ўқув йили учун ажратилган қабул квотаси чегарасига бир баллгача етмаган абитуриентлар амалдаги тўлов-контракт миқдорининг 1,5 баробари, 1,1-2 балл етмаганлар 2,5 баробари, 3,1 - 4 балл етмаганлар 3 баробари миқдорда тўлов-контракт маблағларни тўлаши кўзда тутилган.

Юқорида кўрсатилган қабул квоталаридан ташқари қўшимча қабул қилиш учун тавсия этилмаган, ammo олий таълим муассасаларида ўқиш истагини ва имкониятини билдирган, тест топширган таълим йўналишига кириш синоволида йиғиши мумкин бўлган энг юқори баллнинг 30 фоизи, яъни 68 дан кўп балл тўплаган абитуриентлар олий таълим муассасалари талабалари учун белгиланган амалдаги тўлов-контракт миқдорининг 10 баробаридан ортиқ миқдорда тўлов-контракт суммасини тўлаш шарти билан ўқишга тавсия этилиши мумкин. Ушбу оширилган тўлов-контракт суммаси миқдорини белгилаш Давлат комиссияси томонидан олий таълим муассасалари таълим йўналишларидан келиб чиқиб амалга оширилади.

Саволга Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бош юрисконсулти Румия СУЛЕЙМАНОВА жавоб берди.

— ФЕРМЕР ҳўжалигига лизинг асосида трактор олиш учун қандай имтиёзлар берилган?

"Орифхон" фермер ҳўжалиги раиси Н.Арипов

— Давлатимиз раҳбарининг "Жиззах ва Сирдарё вилоятлари қишлоқ ҳўжалигининг техник жиҳозланишини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида" 2017 йил 16 майдаги Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқлиқ лизинг шартларида қишлоқ ҳўжалиги техникаси билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида" 2000 йил 2 ноябрдаги қарорлари билан фермер ҳўжаликлари учун улар томонидан тракторларни лизинг асосида сотиб олинишида бир қатор имтиёзли лизинг шартлари белгиланган. Буларга:

- лизинг муددатининг 10 йил (Жиззах ва Сирдарё вилоятларидаги фермер ҳўжаликлари учун 12 йилдан иборат эканлиги);
- лизинг шартномаси буйича лизинг фоизи йиллик ставкасини Марказий банк қайта молиялаш ставкасининг 50 фоизидан юқори эмаслиги;
- трактор қийматининг фақат 20 фоизлик қисмини олдидан тўлаб берилиши каби имтиёзлар кирди.

Саволга "Ўзагролизинг" акциядорлик жамияти Юридик бўлим бошлиги Фахриддин ХОЖИЕВ жавоб берди.

— КАСБ-хўнара коллежи битирувчиси сифатида яқка тартибдаги тадбиркорлик фаолиятининг 4 ойга тўхтатсам, қатъий белгиланган солиқни тўлашдан озод этиламанми?

Л.Зийёева, Ширин шаҳри

— Касб-хўнара коллежлари битирувчилари коллежини тамомлагандан кейин ун икки ой ичида яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган санадан эътиборан қатъий белгиланган солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод этилади. Яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтилган пайтдан бошлаб ун икки ой ичида фаолият тўғатилган еки фаолият уч ва ундан кўп ойга тўхтатилган тақдирда, қатъий белгиланган солиқ фаолият амалга оширилган бутун давр учун тўланади.

Саволга Тошкент вилояти Давлат солиқ бошқармаси Юридик бўлим бошлиги Илҳом ЭШБОЕВ жавоб берди.

## АДЛИЯ АРАЛАШГАЧ...

Хўсусий фирма мурожаати қаноатлантирилди

**БУГУНГИ КУНДА** тадбиркорлик субъектларига кенг йўл очиб берилаётган бир вақтда, айрим корхоналар масъул шахслари томонидан шартнома шартларига риоя этмаслик ҳолатларига йўл қўйилаётганлиги, бу билан жамиятимизнинг иқтисодий ривожланишига тўсиқ бўлаётганлиги, айниқса, ачинарли ҳолдир.

Жумладан, Навоий вилоят адлия бошқармаси томонидан яқка тартибдаги тадбиркор Давидов Ҳўкюр Хўсенович томонидан шартномага асосан "Саид-бобо" хўсусий фирмасига 4.180.000 сўм пул маблағи тўлаб берилаётганлигидан норози бўлиб қилган мурожаати ўрганиб чиқилди.

Ўрганиш жараёнида ЯТТ Давидов Ҳўкюр Хўсенович томонидан ҳақиқатан ҳам "Саид-бобо" хўсусий фирмасига 4.180.000 сўм асосий қарз тўлаб берилмаганлиги аниқланди.

Вилоят адлия бошқармаси томонидан мазкур қарздорликни ҳамда унга ҳисобланган пеняни ундириш тўғрисида ҳўжалик судига даъво аризаси киритилди.

Шунингдек, суднинг ҳал қилув қарорига асосан ушбу даъво ариза қаноатлантирилди, "Саид-бобо" хўсусий фирмасига 4.180.000 сўм асосий қарз ҳамда 200.000 сўм пеня ундириш белгиланиб, хўсусий фирманинг мурожаати қаноатлантирилди.

Хулоса ўрнида айтиш жоизки, шартнома интизомии қатъий, унга амал қилмаслик қонунбузилиш ҳолатларини келтириб чиқаради, қонунбузилишга эса адлия идоралари йўл қўймайди.

Хўдим жаримага тортилди

**ТОШКЕНТ** шаҳар адлия бошқармаси томонидан инсон ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш борасида бир қатор ижобий ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Масалан, бошқарманинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига ҳуқуқат портали орқали жорий йилнинг 6 ойи давомида жами 284 та мурожаат келиб тушган. Шундан, 221 та мурожаат ҳал этилган, қолганлари ўз вақтида ечимини топган.

Жумладан, Сирғали тумани, Нилуфар 4-тор кўчасида яшовчи фуқаро Н.Говорухининг туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлими томонидан пенсия нотўғри тайинланганидан норози бўлиб ёзган аризаси ўрганиб чиқилди. Мурожаатни ўрганиш давомида фуқаронинг билдирган эътирозни асосли эканлиги маълум бўлди. Негаки, пенсия иши ҳужжатлари қайта кўриб чиқилганда ўртача иш ҳақини ҳисоблашда хатоликка йўл қўйилганлиги аниқланди. Натижанда пенсия қайта ҳисоблаб чиқилиб, унинг миқдори оширилди ҳамда қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйган Сирғали туман бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси бўлимининг ҳодимига нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилди.

Бундан ташқари, фуқаро Ж.Усмоновнинг АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк" масъул ходимларининг хатти-ҳаракатларидан норози бўлиб, Ягона интерактив давлат хизматлари порталига қилган шикоятни ҳам ўз вақтида кўриб чиқилди.

Ўрганиш давомида, фуқаро Ж.Усмоновнинг 2016 йил 27 декабрда чет эл валютасини олиш масаласида АТБ "Ўзсаноатқурилишбанк"га ёзган аризаси банкнинг Тошкент шаҳар минтақавий филиали томонидан кўриб чиқилган ва ариза муаллифига 18 кунга кечиктириб тушунтириш берилганлиги аниқланди.

Аниқланган қонунбузилиш ҳолати юзасидан киритилган тақдиномага асосан филиалнинг 2017 йил 15 февралдаги буйруғига асосан банкнинг валюта айирбошлаш амалиётилари махсус бўлими бошлиғига нисбатан жарима интизомий жазо чораси қўлланилди.

Сухроб МУХАМЕТКУЛОВ, Навоий вилоят адлия бошқармаси масъул ходими

Шерзодбек РАЖАБОВ, Тошкент шаҳар адлия бошқармаси масъул ходими



## БЕГОНАГА БЕРАДИГАН БОЛАМИЗ ЙЎҚ!



(Давоми. Бошланиши 1-бетда)

Юртбошимизнинг юқоридаги маърузалари барчамизни ўзимиз ва фарзандларимиз тақдирдан янада огоҳ бўлишга ундаб, айрим мурод қалбларни уйғотди, десак муболаға бўлмас. Буни жамиятимиз ҳаётига дахлдор бўлган мутасадди кишиларнинг қўйидаги фикрларидан ҳам билсак бўлади.

**Тоҳир РЎЗИЕВ,**  
Навоий вилояти  
Бош имом-хатиби:

Юртбошимизнинг нутқларини тинглаб, оилаларимиз, маҳалларимизда, бутун жамиятимизда соғлом муҳитни мустаҳкамлаш, ёшлар тарбияси, тинч-осуда ҳаётимизни, муқаддас динимиз поклигини асраш вазиаси бугунги кунда қандай ўлган аҳамият касб этаётганини яна бир қарар юракдан хис этдик.

Улар таъкидлаганидек, айнан шу масалалар бизнинг бугунги ва эртанги кунимизни, фарзандларимиз, набираларимиз тақдир ва келажакни, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамотимизни ҳал қилиши ҳеч қимга сир эмас.

Тадбирдан сўнг биз навоийликлар ҳам ўз ишимизга танқидий баҳо бериб, янги режалар тузиб, уни амалга оширишнинг янги механизмларини топишга киришдик.

Қармана — Ислон оламида ҳур мат ила эътироз этилган мўтабар шаҳар. Бу азим дёнрда не-не алломалар, машоихлар, валийлар яшаб ўтганлар. Уларнинг ижодини ўрганиш, муборак қадимларини обод қилиш мақсадда Қарманнинг этти пирини зиёрат қилиш имкониятлари яратилди. Жорий йилда 150 нафар навоийлик фуқароларимиз муфторак Хаж сафарини амалга ошириш имконига эга бўдилар. Умарга бориб келганлар сони ҳам йилдан-йилга ошмоқда.

Аммо яратилган имкониятлардан тўғри фойдаланмасдан, эгри қадм босадиган, эл-юртимизга иснод келтирадиган қимсалар — ноқўрирлар. Адашган ёшларни тарбиялашимиз, керак бўлса, жазони ўташ жойларига ҳам бориб, улар билан гап-лашимиз лозим, дедилар муқтарам Юртбошимиз. Биз у кишининг чин дилдан тавба қилиб, ота-онаси, оиласи бағрига, тўғри йўлга қайтишни ният қилган одамларга амалий ёрдам беришга мен давлат раҳбари сифатида доимо тайёрман деган сўзларини адашган, боши берк қўчага қириб қолган одамларга бирма-бир етказдик, тушунтирдик.

Яна бир муҳим масала — фарзанд тарбияси бугуннинг энг долзарб муаммоси эканлиги алоҳида тилга олинди. Агар фарзандимизга тўғри тарбия бермасак, ҳар кунги, ҳар дақиқидан унинг юриш-туриши, кайфиятидан огоҳ бўлиб турмасак, уларни илму хунарга ўргатмасак, муносиб иш топиб бермасак, улардан узоклашиб, уларни ҳатто йўқотиб қўйишимиз мумкинлиги афсус билан таъкидланди.

Бошларимиз беғоналар ўзига огдириб олмасликлари учун мактаб, лицей ва коллежлардаги, олий ўқув юртларидаги таълим-тарбия, биринчи навбатда, давомат масаласига ниҳоятда жиддий эътибор беришимиз шартлиги ҳам назаримиздан четда қолгани йўқ. Нурута, Қонимех туманлари, Зарафшон шаҳарларидан ўтказган суҳбат ва учрашуваримиз натижасида қисқа муддатда 23 нафар ўқувчини коллежга қайтариш имконига эга бўлдик.

Булган «Ўз болангни ўзинг асра!» деган даъват барчанниги широгига айланди.

**Муҳтор ИЛХОМОВ,**  
Ўчтепа тумани,  
Ўчтепа МФЙ раиси:

— Дин пешволари билан бўлган учрашууда Президентимиз ўта долзарб мавзудни кўтарди. Бу борада қилганини лозим бўлган, ечимини кутаётган муаммолар қўлигига алоҳида ургу берилди. Жумладан, Президентимизнинг шаръий никоҳ асосида оила қуриш, қўшхотинлик, хотин устига хотин олиш каби иллатнинг жамият ҳаётига салбий таъсири ҳақида кўнчаклик билан айтган сўзларидан тасвирланди.

Жамиятимизда ажралишлар сони кўпайишига сабаб ёшларда шукроналик хисси этишмаётганлигида, деб биламан. Биз болаларимизга ҳамма нарса ни муҳайё қилаётимиз. Ҳамма нарса ни янгилик олиб беришга ҳаракат қилаётимиз. Лекин уларга мижратни ўргатмаётимиз, шукроналикнинг қадрига этишмаётимиз. Ўз-ўзидан ҳамма нарса ни муҳайё ёшларга эса арзиман бахоналарни деб жанжаллашиб қолаётти холос.

Буёқ ажодлар фарзандларимиз. Уларни бутун дунё тан олган ва улар бутун дунёни ўз ўгитлари билан тўғри йўлга солишган. Нахотки, бугун ана шундай буюқ зотларнинг авлоди ўз боламизни тўғри йўлга сола олмаётган бўлсак. Президентимиз маърузасида бир иборани таъкидлади, яъни «Ўз болангни ўзинг асра!». Бу ҳар биримизга масъулият юқлайди.

**Хумоиддин ХЎСИДДИН Ўғли,**  
Зангиота тумани, «Кўк терак»  
жоме масжиди имом-хатиби:

— Пайгамбаримиз Расулulloҳи алайҳи асаллам ўз ҳадисларида: «Кимнинг қармоғида икки нафар аёли бўлса, иккисига ҳам бирдек адолат қилолмасдан бирига кўнрок меҳр бериб, кўнрок муҳаббат бериб иккинчисини ташлаб қўйган одам қўнмаат кунда бир тарафи фалаж ҳолатида тирилади», деб таъкидлаган.

Ўз жуфти ҳалолни, покиза аёлнига қаноат қилмасдан яна бир бошқа аёлни шаръий йўллар билан никоҳи олиши фарзандлари тақдирига ҳам салбий таъсир кўрсатаётганлиги ҳам ҳаётда кўриб турибимиз. Билмишким, оилада ота-онанинг ўрни, фарзандлар тарбиясида оқилONA йўл тутишиги муҳим саналади. Ота-иккинчи хотиникида бўла туриб, яна

қандай қилиб фарзандига ахлоқ ва маънавият ҳақида насихатлар айтади. Фарзанд бунга қандай қилиб амал қилсин-ки, ахир, отанинг ўзи ҳам ахлоқ мезонларига жавоб бераётган бўлса...

Бундай ҳолат аёллар ўртасида ўз жонига қасд қилиш каби салбий ҳолатларнинг ҳам кўпайишига олиб келмоқда. Жамиятда огир оқибатларни келтириб чиқармоқда. Бунинг сабаби нима, сабаби эри хиёнат қилганлигида. Юртбошимиз ўз маърузасида таъкидлаганидек, «Хурматли имом-хатиблар, сизлар Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органидан берилган ҳужжатни қурмасдан туриб, турли бойваччаларга шаръий никоҳ ўкиб бераётганлигида мана шундай ишингиз оилаларга қандай таъсир қилади, жамиятга қандай катта муаммо олиб келатганини лоқал тасаввур қиласизларми ўзи?!». Назаримда, бугунги кун билан яшовчи уламолар қонун олдида жинойи ҳавобгарлигининг муқаррарлиги юқоридаги каби салбий ҳолатларнинг олдини олиши, шубҳасиз.

**Омонжон ҒУЛОМОВ,**  
Каттақўрғон шаҳри  
Зарифобод МФЙ раиси:

— Муқтарам Юртбошимиз яқинда дин уламолари билан ўтказган учрашууда «Ўз болангни ўзинг асра» деган даъватни ўртага ташлади. Ҳақиқатан ҳам ҳар бир ота-она ўз фарзандини асраб-авайлаши, унинг қонил инсон бўлиб этишига масъул бўлиш керак. Қонил фарзанднинг, авваламбор, ота-онасига, кейин бошқаларга нафи тегади. Акси бўлса-чи, ота-она қатори бутун халқ жабр кўради.

Президентимизнинг маърузаларидан тасвирлилик, маҳалламизда истиқомат оилавий ахлоқни қўриш алоҳида назоратни янада кучайтирди. Уларнинг юриш-туриши билан бутун маҳалла аҳли шуғулланмишга аҳд қилдик.

Маҳаллалардаги кўча бошилар, фаоллар ҳар бир хонадонда бўлиб, уларнинг оилавий ахлоқи билан қизиқшмоқда. Маҳаллада имом-хатиб Эсон Саидов ҳам ёшлар билан турли учрашулар ўтказиб, иммонли, ҳалол яшашга даъват этишни янада кучайтирди. Президентимиз маърузаларидан хулоса чиқариб, шундай қарорга келдик. Ўз болангни ўзи асрамаган, унинг тарбияси, ўқиси, ишига бефароа бўлган ота-онани маҳаллада муҳофаза қилиш аёна шунда ҳам тегишли хулоса чиқармас, улар ишлайдиган корхона ва ташкилотта таъсирномаси ёзиб интизомий чора қўриш, ундан кейин ҳам ўз фарзандни тарбиясига совок қарайдиган бўлса, хаттоки маҳалладан қўриштириб юборишгача бўлган қорани ҳам қўллаш лозимлигига қарор қилдик. Ота-боболаримиз бола азиз, одоби ундан азиз, деганларидан катта маъно ва мазмун бор. Ҳар биримиз ўз боламизни ўзимиз асрайлик.

**Фарида ҚОРАҚҮЛОВА,**  
«Инсон ва қонун» мухбири

шу орқали халқимизга сифатли истеъмол махсулотлари етказиб бериш мақсадига кўп тармоқли фермер хўжалигини ривожлантириш борасида кенг қўламли ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, юртимизда кўп тармоқли фермер хўжалиқларининг тарақиёти учун 259,3 миллиард сўм кредит ажратилди. Бу кўрсаткич 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 96 миллиард сўм ёки 159 фоизга ошди.

Шу билан бирга қорвачиликка 245,2 миллиард сўм, паррандачиликка 31 миллиард сўм, балиқчилик ва асаларчиликни ривожлантиришга 4,2 миллиард сўмлик лойиҳалар учун кредитлар ажратилди. Худудларда интенсив бозлар ва тоқзорларни барпо этиш учун 16,8 миллиард сўм, иссиқхоналарни ташкил этишга 53,4 миллиард сўмлик кредитлар йўналтирилди. Қўшлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, озиқ-овқат махсулотлари ишлаб чиқариш ва саклашга 6,3 миллиард сўм, нон ва нон махсулотлари ишлаб чиқаришга 3,7 миллиард сўм ҳамда махсулотларни узок вақт сифатли сақлаш мақсадига соувтиш сифмилари учун 2,6 миллиард сўм кредит ажратилди.

**Самодил НОРҚОБИЛОВА**  
тайёрлади

**Юзма-юз**

## Халқ қабулхонаси —

### халқ дарди билан

СИРДАРЁ ВИЛОЯТИНИНГ энг чекка Сардоба туманидаги тажрибали фермерлардан бири, қизгин дала юмушлари орғалида кўшимча вақт ажратишга, туман маркази шоққўчасидаги муҳташам бинада жойлашган Халқ қабулхонасига бориб, илк марта давлат идораси устидан шикоят этишга мажбур бўлди. Гап шундаки, у бир вақтлар ўзининг фермер хўжалигига солиқ бўйича белгиланган катта миқдордаги қарздорлик яқинда янги имтиёзлар асосида суд томонидан беқор қилинганини эшитиб қолди.

Сардоба туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари эса, эски қарздорликни рўқач қилган ҳолда, кечилган маблагни ундириш пайига тушиб, фермерни ҳоли жонига қўймай, безор қилиб юборишди. Иш судлашувга чача бориб етади: тўловнинг имкони бўлмаган, солиқчилар фермер ҳўжаларига раиси иш ҳақини ундириш учун фуқаролик ишлари бўйича судга бериб, мажбурий тўлов бўйича суд қарори чиқаришга эришди.

Идорама-идора шикоятбозлик қилиб юришга фермер хўжалиги раисида вақт қайда, дейсиз. Барибир у катта умид билан Халқ қабулхонасига борди. Фермернинг шикояти бўйича ўтказилган малакали текширув натижасида ДСИ компьютеридаги қарздорлик базасида ҳақиқатан ҳам рўқач қилган қарздорлик олиб ташланганлигини, фермер ҳақ эканлиги аниқланди. Айни пайтда Халқ қабулхонаси тақдирномаси бўйича солиқ идорасидаги масъул ходимларга нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, суриштирув ишлари олиб борилапти.

Албатта, биз тергов ва бўлажак суд манфаати юзасидан тажрибали фермер ва уни сарсон этган масъул шахслар номини ҳозирга сир тутмоқдамиз. Қайси фермер хўжалиги можораси қайда этилаётганлиги ҳамда унга боғлиқ, муқаммал суриштирмасдан, нотўғри қарор чиқарганликлари учун суддагилар ўз хатоларини англаб ту-

ришандир?! Тагин бир ҳолатда туман ички ишлар бўлими масъул ходимнинг «миси» чиқиб қолди. Фуқаро муҳофаза этган бўлса-да, нозир ўғрилиқ жиноятини расман қайд этмаган эди. Шунинг учун ўша масъул ходимга интизомий чора қўлланилди.

Бошқа муҳофазаларни таҳлил этиш мобайнида туман Ер-мулк кадастри, туман Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси, туман халқ таълими бўлими каби муассаса ва ташкилотларда фуқаролар муҳофаати билан ишлаш ўз ҳолига ташлаб қўйилганлиги, кунига идорага келиб кетаётган миқдорлар муҳофаатлари озгаки аризаларга ўтказилмасдан, тўлиқ кириш этилмаётганлиги, натижада муаммолар юзгага келиб, аҳолининг норозилигига сабаб бўлаётгани аниқланди.

Афсуски, Сардоба туман ҳокимияти капитал қурилиш, коммуникация, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш мажмуасида фуқаролар муҳофаатлари билан ишлаш тўғри йўлга қўйилмаган. Жумладан, фуқаролар С.Жайноқов, Э.Абдулаҳатова, Р.Шукуровларнинг аризаларини ҳал этишда қўнунбузилиш ҳолатлари ошқор бўлди. Халқ қабулхонаси томонидан ўрганиш натижасида аниқланган ушбу ҳолат бўйича ҳужжатлар туман прокуратурасига юборилди.

— Утган уч ойлик қисқа муддат давомида идорамизга 282 нафар фуқаро ариза ва шикоят билан муҳофаза этди, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Сардоба тумани Халқ қабулхонаси мудири Улугбек Қурбанов. — Уларнинг 143 таси ёзма, 139 таси озгаки, яъни бевосита қабул пайтида қайд этилган муҳофаатдир. Уй-жой ва томорқа учун ер ажратиш, банкдан имтиёзли кредит олиш, моддий ёрдам, иш билан таъминлаш, пенсия нафақаси олиш масалалари ана шу му-



рожатларнинг асосий қисмини ташкил этмоқда. 125 та муҳофазатдаги масала тўлиқ, аксарияти ўша куннинг ўзида ижобий ҳал этилди, 215 та муҳофазатга бевосита мутасадди ташкилот ва идоралар томонидан зарурий тушунтириш қўнқималари берилди. Умуман ҳар бир муҳофаза катийи равишда назоратга олинмоқда. Шунингдек, идорамизда фуқароларни шахсан туман ҳокимнинг 32 та, туман прокуратурининг 32 та, туман ИИБ бошлигининг 29 та қабули ташкил этилди ва туман раҳбарлари билан бундай нуфузли юзма-юз мулоқотлар ҳафта кунларига белгиланган графиклар асосида давом этмоқда. Бевосита жойларда 6 та сайёр қабул ташкил этилиб, уларда 149 нафар фуқаронинг муҳофаати кўриб чиқилди, 8 та тарғибот тадбири ўтказилди.

Биз Халқ қабулхонаси идорасида бўлиб, фуқароларнинг ариза ва шикоятлари кўриб чиқилиши жараёнида, юқорида таъкидлаганимиз, айрим муассаса ва ташкилотларда жиддий қўнунбузарлик ҳолатлари аниқланганлигига эътибор бердик. Ҳозиргача ана шундай ноҳуя ҳатти-ҳаракатларга йўл қўйган масъул ходимларнинг 2 нафарига нисбатан жинойи, 2 нафарига нисбатан интизомий жазо қоралари қўлланилди.

**Шухрат СУЯРОВ,**  
«Инсон ва қонун» мухбири

**Адолат қўргони**

ЖОРИЙ ЙИЛ 13 июнда пойтахтимизда бўлиб ўтган суд оргнлари тизимида одил судловни таъминлаш борасидаги ишлар ахлоқи ҳамда муаммолар ва истиқболдаги вазифаларга бағишланган видеоселектор йиғилишида давлатимиз раҳбари томонидан соҳада йўл қўйилган ҳато ва камчиликлар аниқ қўриштирилди, келажакдаги вазифалар белгилаб берилди. Мазкур учрашууда Юртбошимиз суд тизимидаги жиддий камчилик ва муаммоларни бартараф этишда ҳамда олдимизга қўйилган вазифаларни самарали ҳал қилишда ҳар биримиз ўз ишимизга бўлган муносабатимизни туддан қайта кўриб чиқишимиз, шахсий масъу-

## ҚАСАМЁДАГА СОДИҚ ҚОЛАМИЗ

лиятимизни кескин оширишимиз зарурлигини алоҳида таъкидлади. Биз бугун фаолиятимизни ана шу талаблар асосида ташкил этиш чораларини кўраёмиз.

Хусусан, эндиликда биз, судьялардан халқ билан очик мулоқотни кенгайтириш, одамларнинг муаммоларини ҳал этишда яқиндан ёрдам бериш орқали уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ҳақиқатни қарор топтиришни ўзимиз учун

жаришга, одил судловни судьялик бурчи ва виждони буюргандек беғараз, ҳолис ва адолатли бўлишга ваъда берган ҳолда, муқаддас қасамёдаларига ҳамиша содиқ қолишларини таъкидлаб ўтишди.

Мамлакатимиз судьялари юқорида баён қилинган ўзлари учун қатий дастур ва фаолиятларининг асосий вазифалари сифатида белгилаб олган принципал қоидаларга оғишмасдан риоя қилишимиз, ҳеч шубҳасиз яқин келажакда халқимизнинг ва юртбошимизнинг бизга билдирган ишончини тўлақонли равишда оқлашимиз ҳамда судни том маънода «Адолат қўргони»га айлантиришимизга асос бўлади.

**Зоир КАМОЛОВ,**  
жиноят ишлари бўйича  
Мирзо Улугбек туман  
судуки мудири

**Касб этикаси**

## Одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш

### ходимнинг ўз ишига масъулиятини оширади

**ЖАМИЯТДА ҳар бир касбнинг ўзига хос ахлоқ қоидалари бўлиши табиий. Буни ёзилмаган қонунқоидалар, деб ҳам баҳолаш мумкин. Ҳар бир ташкилотда одоб-ахлоқ қоидаларининг ўрнатилиши, аввало, ташкилотдаги ички муҳитнинг барқарор тарзда ривожланишига, ходимлар вазифаларини амалга ошириш чоғида мажбурий бўлган хулқ-атворнинг маънавий ва ахлоқий принципларининг самарали тарзда қўлланилишига замин яратаяди.**

Бугунги кунда деярли барча давлат органлари тизимида ўзининг касб одобномаси ва касб этикаси қоидаларига амалга киритилган.

Жумладан, адлия органлари ва муассасалари ходимларининг одоб-ахлоқ, яъни касб этикаси, маданияти эгаллаб турган лавозимидан қатъи назар биринчи масала сифатида қаралиб келинган. Чунки адлия идоралари ходимлари бевосита халқ билан муносабатда бўладилар, уларнинг дарду тавшишини ўрганиб, муаммоларини эшитадилар ва тегишли тартибда ҳуқуқий тушунтиришлар ва йўналтиришлар берадилар.

Ходимларнинг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиши, аввало, иш унумдорли-

гига, уларга нисбатан халқнинг ижобий фикрда бўлишига, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга, уларнинг содир этилишига сабаб бўлган шарт-шароитларни бартараф этишга хизмат қилади. Энг асосий эса, уларда юксак ҳуқуқий онгни шақллантириш, уларни Ўзбекистон Конституцияси, қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларига, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига қатий риоя қилиш руҳида тарбиялашга йўналтиради.

Бу борада алоҳида низоом ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, унга кўра ходимнинг одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш мажбурияти унинг адлия органи ёки муассасасига ишга қабул қилинган кундан эътиборан келиб чиқади.

Адлия органлари ва муассасалари ходимларининг хизматдаги хулқ-атвори қонунийлик, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, ватанпарварлик ва хизмат бурчига фидойилик, давлат ва жамият манфаатларига содиқлик, адолатлилик, ҳалоллик ва ҳолислик, манфаатлар тўқнашувига йўл қўймасликдан иборатдир.

Ходимлар, аввало, хизмат вазифаларини бажаришда давлат принциплари ва талабларига қатий риоя этиши, Конституция ва қонунларга, Олий Мажлис палаталарининг қарорларига, Президент фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Адлия вазирлиги ҳайъати қарорларига ҳамда адлия вазирининг буйруқлари ва қўрсатмаларига сўзсиз риоя этишлари зарур. Уларнинг хизмат вазифаларини виждонан, юксак касбий даражада адо этиш, юқори дав-

лат органлари ва мансабдор шахсларининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорларини вақтида ва сифатли бажариш, фаолиятини қонун ҳужжатларида ва ички ҳужжатларда белгиланган лавозим ваколатлари доирасида амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий ҳужжат ва идоравий ҳужжатларда белгиланган мажбурият ва тақрирларга риоя қилишга мажбурияти кўп бора таъкидланади.

Тошкент вилоят адлия бошқармаси томонидан ҳам бу борада тизимли равишда тушунтириш ишлари олиб боришмоқда. Адлия вазирлиги томонидан тасдиқланган адлия органлари ва муассасаларида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини ташкил этиш ва амалга оширишга мўлжалланган дастур ижроси юзасидан бир қатор самарали ишлар олиб боришмоқда. Адлия бошқармаси ва тизимда фаолият олиб бораётган ФХД ё бўлими ва давлат нотариал идораси ходимларига одоб-ахлоқ қоидаларига ва касб этикасига амал қилиш, фуқаролар билан ҳушмуомаллада бўлиш, уларнинг қонуний талаблари бўйича ўз вақтида иш олиб бориш, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш, улар томонидан содир этилиши эҳтимоли бўлган коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга қаратилган профилактик давра суҳбатлари мунтазам равишда ўтказилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, одоб-ахлоқ қоидаларига амал қилиш ходимларни ўз ишига масъулиятли бўлишга, касб юзасида ҳаммиша чегара ва меъёрларга амал қилишга ундайди.

**Ойбек ҚАЮМОВ,**  
Тошкент вилоят адлия  
бошқармаси масъул ходими

## БАНК КЎМАГИ БИЛАН ТАДБИРКОРЛИК САРИ



13 ИЮЛЬ. Миллий матбуот марказида «Агробанк» АТБнинг аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш, кичик бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришдаги роли» мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

Тадбирда банк жамоаси ўз олдига қўйган кенг қўламли устувор вазифаларни босқичма-босқич амалга ошириб келаётгани, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 31 декабрдаги Қарорига асосан банк уст-ва капитални қўшимча 100 миллиард сўмга қўриш шартлаштирилиб, 2017 йилнинг март ойида Молия вазирлигининг 100 миллиард сўм маблағ банк уст-ва капиталига жалб қилинганлиги таъкидланди.

Шунингдек, банк томонидан аграр тармоқни янада тараққий эттириш ва



Суд жараёнида

Адолатли ҳукм қарор

ПОЙТАХТ кўчаларининг бирида “Нексия” ва “Капитива” русумли автомобиллар тўқнашувидан кейин бўлиди. Эҳтиётсизлик ва шомша-шорларлик сабаб ҳайдовчилар ва йўловчилар жабр кўрди. Табиийки, шаҳарнинг марказий кўчаларида қатнов тизими бир муддат издан чиқди.

Ҳодисанинг айбдорини топшириш, навбатдаги ҳалокатли оқибатларнинг олдини олиш зарурати туфайли ҳам жуда муҳимдир.

Ўтказилган суд-автотехника экспертиза хулосасига кўра, “Нексия” ва “Капитива” русумли автомобил ҳайдовчилари ўзлари ҳаракатланган тезликда вазиет ва ҳолатдан келиб чиққан ҳолда ўз вақтида тор-моз бериш йўли орқали тўқнашувнинг олдини олиш техник имкониятига эга бўлганлиги кўрсатилган.

Тергов органи томонидан “Нексия” автомашинаси ҳайдовчисининг ҳаракатларида “Транспорт воситасини бошқарувчи шахс томонидан транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қондаларини бузиб, баданга ўртача, оғир шикаст етказиш” аломатлари бўйича айбдорлик белгиланган. Бироқ судланувчи мажлисида айбига бутунлай икорлик билдирмайди. У чорраҳага яқинлашиб, светларнинг яшил чирогои ёнганидан сўнг тахминан 20-30 км/соат тезликда ҳаракатланганлигини, унинг ҳаракат йўналишига нисбатан чап томондан “Капитива” автомашинаси юқори тезликда келиб урилганлигини айтиди. Ҳодиса оқибатида ўзи ва йўловчини тан жароҳатлари олганлигини, автомашинасини таъмирлашга эса катта маблағ сарфлаганини таъкидлайди. Узини айбдор деб билмаслигини айтиб, суддан ўзига нисбатан оқлов ҳукми чиқаришни сўрайди.

